


ЎЗБЕКИСТОН BUNYODKOR



СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



UZBUNYODKOR



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@uamail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЛОЙИҲАЛАРНИ ҲАР БИР ТУМАН ВА МАҲАЛЛА КЕСИМИДА ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 1 февраль куни

инвестиция соҳасига доир аввалги топшириқлар ижроси ва янги лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Жорий йил 11 январь куни тижорат банклари томонидан жами қиймати 1 миллиард доллар бўлган инвестиция лойиҳалари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан жами қиймати 8,6 триллион сўм бўлган 9 та йирик sanoat лойиҳаси тақдироти қилинган эди.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмасига мувофиқ, мазкур лойиҳаларни сифатли амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар, муддатлар ва масъуллар белгиланган "Йул харита"лари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан қўшимча равишда янги инвестиция лойиҳалари тайёрланди. Тақдиротда ушбу янги лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, 10 та йирик тижорат банки томонидан жами қиймати 1,5 миллиард доллар бўлган 136 та янги лойиҳа тақдироти ишлаб чиқилди.

Жумладан, "Агробанк" томонидан тўқимачилик кластерлари билан биргаликда қўшимча 43 та лойиҳа шакллантирилган. Жами 501 миллион долларлик ушбу лойиҳалар натижасида пахта толасини қайта ишлаш даражаси анча ошиб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўлами кенгайди.

Миллий банк томонидан жорий йилда 225 миллион долларлик 6 та янги лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ҳамда Наманган вилоятларида поливинилхлорид ва алюминий ромлар ишлаб чиқариш, пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида поезд вагонлари ҳамда юк машиналарига хизмат кўрсатувчи транспорт-логистика марказини ташкил қилиш лойиҳалари шулар жумласидандир.

"Узсаноатқурилишбанк" томонидан "Ургу" эркин иқтисодий зонасида 110 миллион доллар-

лик лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда. Бунда, йилга 600 минг тонна пўлат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати пайдо бўлади.

"Ипотека-банк" Қўйи Чирчиқ туманида 27 гектардан зиёд майдонда замонавий логистика фаолиятини ташкил этиш лойиҳасига сармоя киритмоқчи. Бу корхона бир вақтда 120 та юк машинаси ва 25 та вагонга хизмат кўрсатиш имконига эга бўлади.

"Асака" банк кредити шитирокида пойтахтимизнинг "Эски шаҳар" ҳудудида Миллий савдо шаҳарчасини ташкил этиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳалар, аввало, иш ўринлари яратиш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиши кераклигини таъкидлади.

Иқтисодий комплекс идоралари ишни маҳаллар даражасида ташкил этиши, тижорат

банклари жойларда юқори самарали лойиҳаларни амалга ошириб, айниқса, ёш тадбиркорларга кенг йўл бериши кераклиги қайд этилди.

Бунинг учун маҳаллаларда банкнинг янги бошқарув тизимини йўлга қўйиш, ҳар бир туман ва маҳалланинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда аҳолига ундан даромад топишни ўргатиш муҳимлиги таъкидланди.

Тақдиротда Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманида ташкил этилган sanoat зонаси ҳудудида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш режалари ҳам таъкидланди. Ушбу sanoat ҳудуди 200 гектар бўлиб, унда қурилиш материаллари, озиқ-овқат, текстиль ва бошқа бир қатор муҳим соҳаларда жами қиймати 4,6 триллион сўмлик 71 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Ў.А.

Шу куннинг гаплари

Давлатимиз раҳбари 29 январь куни пойтахтимиздаги

Ислом цивилизация марказида амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишди ва хоналарни пардозлаш ҳамда жиҳозлашга оид лойиҳаларни кўздан кечирди.

Ўтган йили Сурхондарё вилоятида Инвестиция дастури асосида **1 066 та** лойиҳа бўйича

3,4 трлн сўмлик маблағлар ўзлаштирилган ва умумий қиймати 2,5 трлн сўмга яқин 752 та лойиҳа фойдаланишга топширилган. Натижада 6,4 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилган.

Сирдарё вилоятида Давлат хизматлари маркази янги бинолари сони 5 тага кўпайди. Вилоят марказидан 83 км олисда бўлган Сардоба тумани ҳудудида ДХМнинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Айни пайтда замонавий бинода аҳолига **150** турда хизматлар кўрсатилляпти.

Бухоро вилояти ҳокимлигида навбатдаги "Инвесторлар куни" бўлиб ўтди. Унда тадбиркор ва сармоядорлар томонидан ишлаб чиқилган **1 трлн 455 млрд** сўмлик лойиҳалар намойиш этилди. Улар амалга оширилса, 4 мингдан ортқ иш ўринлари яратилади.

"Юртимиз заманидан жуда кўп олимлар, муҳаддислар, авиёлар етишиб чиққан, уларнинг мероси ундан ҳам кўп. Лекин тан олиш керак, бу катта манбаи чуқур ўرғанимадик. Шунинг учун бу марказ қандай буюк эллимизни яна бир бор илмий асослаб, халқчил тушунириб берадиган бўлиши керак. Бу ерда миллий гош жўш уриб туриши зарур. Марказга келган одамларда, ёшларимизда руҳий куч, руҳий ишонч пайдо бўлиши керак".

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ТАРАТУВЧИ МАСКАН

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori"
мухбири.

Ўзбекистон - жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар Ватани. Аждодлардан қолган бой маданий меросни асраш ва муносиб илмий муҳит яратиш мақсадида мамлакатимизда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ислом цивилизацияси маркази эса улардан биридир.

2017 йил 23 июнда Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуринда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Қарорга асосан қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Президент ушбу муқаддас мажмуанинг қурилиш жараёни билан бир неча бор танишиш баробарида, марказнинг фалсафаси, мазмуни ва мақсадини бойитиш, бу масканда энг аввало, халқимизнинг маърифати ва маданиятини янада юксалтиришга хизмат қилишини тўлиқ таъминлаш бўйича муҳим ишларни белгилаб берган эди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қурилиши бошланган мазкур мажмуа келгусида шахри-

миз кўркига кўрк қўшиши баробарида, жаҳон дин уламолари, маърифатпарварлари ва маънавият ахлини Ўзбекистонга жалб этиши шубҳасиз. Қуёш ер юзини ёритгани каби ўз даврида башарият маънавияти, муқаддас ислом динини диёримизнинг улғу алломалари илм нури билан ёритган эди. Имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Имом Термизий, Қафқол Шойий, Нажмиддин Кубро, Бурхониддин Марғинович, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Ахрор Валий. Жаҳон илм-фани ана шу олимларнинг маърифат асослари билан тараққий этаётган ҳозирги замонда бу илмий меросдан ўзимиз қанчалар баҳрамандмиз. Фақат олим ва талабалар эмас, ҳамма учун доимо эшиги очиқ бўлган замонавий илм мажмуаси бизда бормиди? Улғу аждодларимиз ёзиб қолдирган ноёб қўлёзмалар ва асарларни бир жойда жамлайдиган марказ-чи? Жуда кўп йиллар шарқу фарбдаги бундай марказларга ҳавас қилиб яшаганимиз ҳам рост. Давлатимиз раҳбари мазкур марказ билан танишиб, дин уламолари, тарихчи олимлар, санъатшунослар, давлат ва жамоат арбоблари билан қилган мулоқотида мамлакатимиз маркази пойтахтининг қадимий Эски шаҳар қисмида Ислом цивилизацияси марказининг қад кўтаргани ана шу каби саволларга жавоб эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази айнан Президенти-

ментимизнинг маънавият-маърифат соҳасида буюк аждодларимизнинг меросини сақлаш йўналишидаги йирик ташаббуслардан бири, - дейди марказ директори Шоазим Минобаров. - Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги тавсия ва фикрлари бизга келгусида дастуриламал бўлади. Эйтиборга молик жиҳати, бу ерда жуда катта музей ташкил қилинган. Бу давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, наинки музей, балки маърифат уйдир. Ушбу масканда III асрдан бошлаб ҳозирги кунга қадар халқимиз томонидан яратилган қўлёзмалар, амалий санъат намуналари, осори атиқалар муҳассам бўлиши керак. Ислом цивилизацияси маркази доирасидаги ташаббус асосида бу ерда катта кутубхона ташкил этиляпти. 2017 йилдан эътиборан ҳозирги кунга қадар 100 мингга яқин китоблар йиғилди. Улар орасида 1000 га яқин нодир қўлёзмалар бор, электрон манбалар, китоблар, Европадан 8 миллион АҚШ долларига сотиб олинган "Шарқ ва Фарб" деб аталувчи, мажмуа ташкил этилади. Ақл маркази сифатида барпо этилаётган мазкур бино ёшлар учун илм ва маърифат марказига айланиши шубҳасиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, алломаларимизнинг илмий ва диний меросини ўрганиб чиқадиган бўлсақ, уларнинг ададини ҳисоблай олмаймиз, - дейди Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов. -

Ушбу марказда ҳар бир алломанинг меросига бағишланган тарихий заллар бўлади. Дунёда Ислом марказлари жуда кўп. Ушбу марказлар қаторида дунё харитасидан Ўзбекистон ўзининг ўрнига эга бўлиши керак. Бинонинг қурилиши жараёнида, айниқса, унинг ички ва ташқи безаклари, дизайни, меъморий услубларига катта эътибор қаратилди. Жумладан, дин уламолари, олимлар билан биргаликда марказнинг ҳар бир йўлаклари, ички хоналарига Қуръон оятлари, сураларни, ҳадисларни тайёрлаб илдиқ. Токи, бу ибратли суралар, ҳикматли сўзлар ёшларимизнинг маънавиятини, маърифатини юксалтирсин.

Марказ лойиҳаси биноси қурилиши, ички ва ташқи дизайни, музей экспозициялари мазмуни бўйича дунёнинг етуқ диний уламолари, исломшунос ва тарихчи олимлари фикр-мулоҳазалари ҳам инобатга олинапти.

Албатта, мазкур муҳташам иншоотни барпо этиш меъморларимизнинг диди, дунёқарши, қурувчиларимизнинг зукколигига ҳам боғлиқ бир томондан. Ислом цивилизацияси марказини бунёд этишда тажрибали архитектор Абдуқаҳҳор Турдиев раҳбарлигидаги "Қарат проект" лойиҳа ташкилоти бош лойиҳачи сифатида иштирок этмоқда. Газетамизнинг келгуси сонларида меъмор билан суҳбатдан марказ қурилиши борасидаги яна кўпма маълумотларни билиб олишингиз мумкин бўлади.

"ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ" АЖДА ТАРҒИБОТ ТАДБИРИ ЎТҚАЗИЛДИ

Дилфуза ХАБИБОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Кеча "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмуни-моҳиятини ўрганиш бўйича тарғибот тадбири ўтказилди. Унда жамият ижро аппарати, таркибий корхоналар раҳбарлари ва мутахассислари, ҳудуддаги корхоналар меҳнат жамоалари вакиллари (онлайн) ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.



Тадбирни "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Рўзиқул Райимов очиб, давлатимиз раҳбари мамлакат Парламентига йўллаган Мурожаатнома Ўзбекистоннинг жорий йил ва яқин истиқболдаги тараққиётини белгилаб берувчи стратегик ҳужжат бўлиб, унда биронта соҳа четлаб ўтиладиган, хусусан электр энергетикаси тизими иқтисодий тизими ривожидида муҳим аҳамият касб этиши ҳамда соҳада амалга оширилиши кутулаётган кенг қўламли ислохотларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, Президентимиз маркази томонидан республикамиз бар-

ча ҳудудларида 130 минг километр узунликдаги паст қучланили электр тармоқлари ва 40 мингдан ортқ трансформатор пунктларини бошқарма-бошқар янгилаш бўйича дастур 1 апрелга қадар тасдиқланиши зарурлиги, бу борадаги ишлар бўйича "Йул харитаси" ишлаб чиқилаётгани қайд этилди.

Тошкент давлат юридик университети Меҳнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси Муҳаммадмин Каримжонов йиғилишда ўз маърузаси билан қатнашиб, Мурожаатномада давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантиришга доир илгари сурилган гошлар, шунингдек, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ташқи сиёсатдаги устувор йўналишлар, ёшлар масаласи каби муҳим ва долзарб масалалар акс этганига йиғилганлар эътиборини қаратди.

Президентимизнинг Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалар, истиқболли лойиҳалар халқимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қолаверса ҳар бир соҳани ривожлантириш, айниқса, келажигимиз бўлган ёшлар ва уларнинг таълим-тарбия олишлари йўлидаги муҳим йўналишлар, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилгани билан жуда аҳамиятлидир.

Жонли ва очиқ мулоқот тарзида бўлиб ўтган ушбу тадбир иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлашга оид билан-лар асосида ўтказилган савол-жавобларда муваффақиятли қатнашган иштирокчилар эсдалик совгалар билан тақдирландилар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Мурожаатноманинг мазмуни-моҳиятини чуқур ўрганиш, унда белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, мамлакатимизни раванқ топтиришда ўз гош ва ташаббусларимиз билан турли соҳалардаги ислохотларда фаол иштирок этишимиз керак. Бу борада барча зарур шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда.

Янги лойиҳалар амалда



Наргиза МИРЁҚУБОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўтган йилда қурилиш материаллари соҳасида 22,0 трлн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганди. Бу ҳақда "2021 йилда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.

Ўтган йилда қурилиш материаллари соҳасида 200 млн доллар миқдорда экспортни амалга ошириш прогнози белгиланган бўлиб, 257 млн доллар миқдордаги экспорт амалга оширилган.

– 2021 йилда ҳам бу ишларга эътибор қаратилади, – деди "Ўзсаноат-қурилишматериаллари" уюшмаси бошқарма бошлиғи Ўткир Турдиев. – Жумладан, 327,6 млн доллар ўзлаштирилиб, шундан 215,0 млн доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция-

лар ва кредитлар ҳисобига молиялаштирилиши режалаштирилмоқда. Лойиҳалар асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Фарғона, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида амалга оширилади.

Қурилиш жараёнида цемент маҳсулоти асосий хомашё сифатида қўлланилади. Шу сабабли ушбу қурилиш материалга талаб доимо юқори. Маҳсулот сифати ва таннархи ҳам истеъмолчиларни қониқтириши зарур.

– 2020 йилда 12 ярим миллион тонна цемент маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда 16 миллион 400 минг тоннани ташкил этиши режалаштирилган, – деди "Ўзсаноат-қурилишматериаллари" уюшмаси бошқарма бошлиғи Баҳром Аллаберганов. – 500 маркали цементга талаб юқори. Ҳозирга қадар у хориждан экспорт қилинади. Ўзбекистонда нафақат 500 маркали, балки 600 маркали цемент ишлаб чиқарадиган заводлар бор. Энди "Қизилқумцемент" АЖ ва яна 2 та заводда 600 маркали цемент ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, композит қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳам кенг

йўлга қўйилган. Металл ва бошқа ашёлар ўрнини босадиган композит материалларга талаб юқори. Масалан, Ўзбекистонда базальт конлари жуда кўп. Улардан самарали фойдаланган ҳолда базальт момиги ва базальт толаси ишлаб чиқариляпти. Бу толадан арматура чиқариш ишлари илк бор Жиззах вилоятида йўлга қўйилди, у арматура металлдан 7,5 баробар энгил, сифати ҳам юқори.

Анжуманда истиқболли лойиҳалар ҳақида ҳам гапирилди. Хусусан, энг йирик лойиҳалардан бири «Қизилқумцемент» АЖда татбиқ этилмоқда. Корхонада умумий қиймати 126 млн доллар бўлган клинкер ишлаб чиқаришнинг 4-линиясига ишга туширилади. Натijaда корхонанинг йиллик цемент ишлаб чиқариш қуввати 2,2 млн тоннага ортиб, 5,5 млн тоннага етказилиши кўзда тутилган. Шунингдек, Навоий вилоятида "PETRAWOOL" МЧЖ қўрада базальт тошидан иссиқлик сақловчи плиталар ишлаб чиқариш, Томди туманида "Мега кварц" МЧЖда кварц қумини қазиб олиш ва қайта ишлаш каби лойиҳалар ишга туширилади. Бунёдкорлик ишлари амалга оширилгач, це-

мент ишлаб чиқариш қуввати 1,4 млн тоннага етади ва 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

– Қурилиш соҳасида инвестицион лойиҳаларни жалб этиш жуда фойдали, – деди Уюшма бошқарма бошлиғи Баҳром Аллаберганов. – Шу сабабли, уюшмамиз томонидан бу борада яхши натижаларга эришилмоқда. Бугунги кунда 31 та ана шундай лойиҳа мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудини қамраб олган. Фарғона вилоятини олайлик, бу ерда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича 5 лойиҳага 50 миллион долларлик инвестиция жалб этилиб, "Кнауф Гипс Фергана" хорижий корхонасида гипсокартон листлари, "Flat Tile" жамиятида керамогранит ва металлгранит, "Agro Impex Valley" жамиятида металл конструкциялар, "Азамат савдо Зиё" ва "Ululbek export trade" жамиятида мих ва бурама михлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши алоҳида айтиб ўтиш лозим.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, мазкур инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши юртимизда қурилиш материалларига бўлган талабни қондириш билан бир қаторда, аҳоли ва ёшларнинг бандлигини таъминлашда ҳам муҳимдир. Биргина Қорақалпоғистон Республикасида йилга қўшимча 1 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш бўйича "Қорақалпоқцемент" МЧЖ ҚҚда қиймати 50 миллион долларлик йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши ва унинг 3-босқичи фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бу ишлар натижасида цемент ишлаб чиқариш қуввати 1,4 миллион тоннага етказилиб, юздан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Тадбирда уюшма масъуллари Тошкент шаҳри, шунингдек, Тошкент, Сирдарё, Сурхондарё, Навоий вилоятларидаги бу каби лойиҳалар ва уларнинг юртимиз қурилиш соҳасидаги аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот беришти. 2021 йил Инвестиция дастурига 123 та қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳаси киритилган бўлиб, 1 млрд 79 млн доллар ўзлаштирилиб, шундан 1 млрд 110 млн долларлик 76 та лойиҳа ишга туширилади.



Суратда: (ундан чапга) туман ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникация ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Ҳабибулла Рустамов, туман қурилиш бўлими бошлиғи Шукуржон Низомидинов ва "Ал аввал ал охир" МЧЖ иш юритувчиси Иброҳимжон Худойбердиевлар қурилишнинг бориши ҳақида суҳбатлашмоқда.

Қуваликлар учун янги бинолар қурилмоқда

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori"
мухбири.

Фарғона вилоятининг Кува тумани Андижон вилояти билан чегарадош. Туманда 261 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилишни эътиборга олсак, уларнинг 117 мингдан ортиғи бугунги кунда фойдали меҳнат билан банд.

Маълумотларга кўра, 1 673 та кичик бизнес субъектлари, шу жумладан, 443 та соноат корхоналари тарққийти йўлида меҳнат қилишмоқда. 2 та йирик соноат корхонаси, шунингдек, хорижийликлар билан ҳамкорликда тузилган 23 та қўшма корхонани ҳисобга олганда туманнинг вилоятдаги улуши 3,3 фоизни ташкил қилади.

Яқунланган 2020 йилда умумий қиймати 221,1 миллиард сўмга тенг 40 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилди ва ёшлар ҳисобига 908 та иш ўрни яратилди. Экспорт ҳажми эса 31,4 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. 2021-2022 йилларда эса умумий қиймати 504,7 миллиард сўмлик 149 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

– Кейинги йилларда аҳоли учун замонавий бинолар, шунингдек, ишлаб чиқариш объектлари қурилишига катта эътибор қаратилмоқда, – деди туман ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникация ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Ҳабибулла Рустамов. – Бир мисол. Айни кунларда туманининг дашт ҳудуди – Фарғона-Андижон катта трассаларида бўлган "Турк" маҳалла фуқаролар йиғини, "Мингчино" массивида аҳоли учун 14 та 1 подвездли, 5 қаватли турар жой массиви қурилиши жадал суръатларда олиб бориляпти. Ушбу уйларида шаҳардаги уйларида қўшимайдиган қўлайликлар яратилмоқда.

Бундан ташқари, массивда давлат шеркчилиги асосида маҳалла фуқаролар йиғини биноси, савдо тармоқлари ҳамда экобозор, қишлоқ врачлик пункти, 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 660 ўринли умумтаълим мактаби, истироҳат боғи, дорихона, супермаркет, коммунал хизмат кўрсатиш объектлари ҳам бунёд этилиб, аҳоли ихтиёрига топширилади.

Туманининг "Гўзал" маҳалла фуқаролар йиғини, Тинчлик кўчаси, "Гўзал" турар жой массивида "Сифат Кубо сервис" МЧЖ фирмаси томонидан ҳар бирининг лойиҳа қиймати 528 миллион сўмликдан иборат 5 та кўп қаватли уйлар ҳам аста-секин қад ростляпти. Ушбу уйлари 2 тасини Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. "Қақир" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қурилган 32 хонадонли 2 та ва туман марказидаги Қайқобод кўчасида бунёд этилаётган кўп қаватли уйлари 2 таси ҳам шу муддатда топширилади.

Бу йил 1 подвездлик, 1 та кириш йўли бўлган 5 қаватли уйлари қуриш бошланди. Режа бўйича 8 та эди, қурувчилар уни 20 тага етказишмоқчи. Ҳозиргача 14 таси бошланган бўлса, 5 тасида бетон ишлари кетаяпти.

Қурилиш фирмаларга бўлиб берилган ушбу уйларида муҳандислик коммуникация тармоқларидан фойдаланиш узок йилларга мўлжалланган.

1 подвездлик уйлари беш қаватлидан афзалликлари шундаки, биринчидан ёш оилаларга мослашган. Бунёдкорлар мавжуд бино ва иншоотларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ишларига ҳам катта аҳамият беришмоқда. Жумладан, туман марказидаги 2-сонли умумтаълим мактабида 7 миллиард 800 минг сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилади. Умуман олганда, бу йил 22 миллиард сўмлик қурилиш ишлари инвестиция дастурига киритилган.

Кўп қаватли уйларида яшайдиган фуқароларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам эътиборга олинган. Мазкур масалада туман қурилиш бўлими бошлиғи Шукуржон Низомидиновнинг таъкидлашича, фуқаролар учун яратилган қўлайликлар шундан иборатки, ҳудуднинг 15 гектар ерида кичик соноат зонаси joyлашган. 25 нафар тадбиркор турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини йўлга қўйиш ҳаракатида.

Кўркамлашаётган Навоий

Ҳилола ИСМАТОВА,
"O'zbekiston bunyodkori"
мухбири.

Кейинги йилларда юртимизда шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантирувчи шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Натижада республикамизнинг 96 та шаҳар ва 87 та шаҳар посёлкаси бош режа билан таъминланди. 550 та қишлоқ (ову) фуқаролар йиғини ҳудуди архитектура-режалаштириш лойиҳалари асосида кўркам қиёфага кирган. Минтақаларда истиқболли ва иқтисодий самарали инвестиция ечимларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мақсадида 26 та етакчи лойиҳа-қидирув ташкилоти ҳамда "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" ДУКнинг 12 та филиали тузилди.

Давлат дастурига кўра, 2020 йилда Навоий вилоятининг Навбахор туманида Кескентерак ва Нурота туманида Темирқовуқ шаҳар посёлкасининг бош режа лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланганди. Бош лойиҳачи ("Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" ДУК) томонидан берилган техник кўрсатма асосида иккала шаҳарчининг топохаритаси (қоғоз ва электрон вариантда) топширилган.

Айтиш керакки, Темирқовуқ шаҳарчининг ер майдони 174,5 гектар бўлиб, аҳолиси 3,55 минг нафар. Маълумотларга кўра, 2040 йилга бориб аҳоли 7 минг нафарга етиши мумкин. Бу эса, ҳудудда қўшимча ер майдонига йил сайин эҳтиёж ортиб боришидан дарак. Шунингдек, аҳолининг турмуш шартини яхшилаш, қўшимча иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш объектлари ва савдо комплексларининг қурилишига ҳам зарурат сезилади.

Вилоят қурилиш бош бошқармаси томонидан Темирқовуқ шаҳарчаси бош режасининг эскиз лойиҳаси Республика архитектура шаҳарсозлик кенгашидан ўтказилди. Ана шу ҳужжат бўйича шаҳарча

марказида 2 қаватли уйлар, тўқимачилик фабрикаси, трикотаж ва тикув цехи, гўштни қайта ишлаш, кондитер, қишлоқ ҳўжалиги материаллари ишлаб чиқарадиган цехлар, оилавий поликлиника, бозор, меҳмонхона, ҳаммом, дорихона ва касалхона бинолари қурилиши белгиланди.

Замонавий архитектура қиёфасини шакллантиришга эҳтиёжи бўлган яна бир ҳудуд – Кескентерак шаҳарчасининг бош режаси ҳам тегишли ташкилотлардан ўтказилди. Шаҳарчининг ер майдони 372 гектар, аҳолиси эса 4,549 минг нафар. Ушбу ҳудудда ҳам аҳоли сони ошиб бораётгани ҳисобига (2040 йилда 6 минг кишига етади) қўшимча ер майдонида эҳтиёж сезилиши кутилмоқда. Лойиҳада ҳудуддаги 5 гектар ерни эгаллаб турган пахта қабул қилиш пункти ўрнига 2 ва 5 қаватли турар жой бинолари қурилиши режалаштирилди. Шунингдек, болалар майдончаси, мактабгача таълим ташкилоти, мактаб, мамий савдо комплекслари барпо этилиб, ички йўллар қурилиши, телефон тармоқлари ва газ қувурлари тортилиши ёритгим чироқларнинг ўрнатилиши ҳам ҳудудлар ривожланишига ҳисса қўшади. Мухими, ушбу янги лойиҳалар эвазига аҳоли бандлиги таъминланиши мақсад қилинган. Чунки ҳар икки ҳудудда 500 га яқин янги иш ўрни яратилиши режалаштирилмоқда.

Вилоят маркази – Навоий шаҳри ҳам кун сайин кўркамлашапти. Янги архитектура намуналари асосида қад ростлаётган замонавий иншоотлар шаҳар чиройига чирой қўшмоқда.

Навоий шаҳри бош режаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 2 февралдаги 24-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб, "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" ДУК томонидан ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда бош режа корректураси шаҳар ҳокимлиги томонидан буюртмачи сифатида ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Навоий шаҳри ва Кармана туманларининг ҳудудий чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги 2019 йил 21 июндаги СҚ-443-III-сонли қарори билан Кармана тумани ҳудудининг 1097,58 гектар ер майдони шаҳар ҳудудига ўтказилди.



Асакада 2 та 16 қаватли бинолар қурила бошлади

Зиё СИРОЖ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Андижон вилоятида аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида амалга ошириляётган бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Қувончлиси, бу каби қурилишлар нафақат вилоят марказида, балки барча шаҳар ва туманларда ҳам кенг кўламда олиб бориляпти. Жумладан, Асака туманида 2 та 16 қаватли турар жой биноларининг қурилишига киришилди.

"Амир Темур" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бошланган бу хайли иш "Бунёдкор ҳамкор мерос" МЧЖ томонидан амалга оширилмоқда.

Ташаббус

Эзгу ишлар деб очаси

Ҳамза ШУКУРОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

«Самарқандйўлқўлама» унитар корхонаси ишчи-хизматчилари хайрли ташаббус бошлади. Ободонлаштириш ишларини дилга жо қилган жамоа «Самарқанд – Қарши» А-378 автомобил йўлининг икки тарафини қўламазорлаштиришга киришди. Гап шундаки, бу жойлар кўп вақтдан буён назардан четда қолганди.

Уларнинг бу ташаббусини вилоят ва Нуробод тумани ҳокимликлари ҳам қўллаб-қувватлашди. Маҳаллий аҳоли – Жом, Иброҳим ота, Анжирли,

Меҳнатқаш ва Оқсой қишлоқларида яшовчилар ҳам бу эзгу ишга бош қўшишди.

– Шундай тадбир ўтказишни анча вақтдан буён уйлаб юрган эдик, – дейди корхона раҳбари Азизжон Ражабов. – Мутахассислар билан маслаҳатлашиб, бу жойларга сувсизликка чидамли, иқлимга мос мевали ва манзарали дарахтлар ўтказишга киришдик.

Айтиш жоизки, ёз пайтида хас-хашакларнинг ўсиб, сарғайиб қолиши, қишнинг изгириш шамоллари, одамларнинг гашига тегадди. Қўламазорлаштириш эса биринчидан, автомобил йўлини эрозиядан сақлайди, шунингдек, транспорт воситаларининг атраф-муҳитга салбий таъсирини камайтиради ва табиат мусофоллигини таъминлаб, йўловчилар кайфиятини кўтаришга ҳам муносиб ҳисса қўйиши шубҳасиз.

Асосан ёш йигит-қиз кадрлардан иборат кор-

хона вилоят йўллардан фойдаланиш бош бошқармаси билан ҳамжиҳатликда ушбу йўлнинг олтинчи километрга, яъни Тошкент, Самарқанд, Қарши, Оҳалик ва Чархин кесиммасидаги айланани ободонлаштиришдаги хизмати янада диққатқа сазовор. Ун тўрт метр кенгликдаги айлана транспорт ечимида ҳақиқий мўъжиза яратмоқда, дейиш мумкин. Ландшафт дизайнидан фойдаланиб миллий ва замонавий меъморчилик аънаваларини уйғунлаштирган мажмуа барчада катта таассурот қолдирапти.

Ўзбекистондаги тарихий осори атиқалар – Регистон, Амир Темур мақбараси, Қўқсарой, Шоҳи Зинда, Аркка монанд руҳда барпо этилган кичрайтирилган андозалар ва "Буюк Ипак йўли"ни тасвирловчи карвонлар рамиз ажойиб манзара касб этган. Аҳил жамоа янги бўлса-да, ана шундай ташаббусларга йўл очмоқда. Мухими бу ҳали олдидинда турган эзгу тадбирларнинг бошланишидир.

“МАҲАЛЛА РАИСИ – Президентнинг қуйи бўғиндаги устуниси”

Ботир ПАРПИЕВ,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари.
ЎЗА.



Бугун халқимизни рози қилиш, жойлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасидаги ишларни “маҳаллабай” ташкил этиш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Президентимиз Олий Мажлис палаталари ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида айтиш ҳақда тўхталиб ўтар экан, ислохотлар ижросини “тепадан пастига” тамойили асосида олиб бориш зарурлигини таъкидлаб ўтганди. Ушбу маърузада, айнисқа, маҳаллаларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, фуқаролар йиғинлари раислари жараёнларнинг марказида бўлиши лозимлиги тўғрисида аниқ тавсиялар берилган.

Давлатимиз раҳбари иштирокида пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 2 мингдан зиёд оилани ўз ичига олган “Янгибоб” маҳалла фуқаролар йиғинида тизим ҳодимлари ва маҳалла фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувда мазкур масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва уларга тўла ечим топишда маҳалла раиси ва ҳодимларининг масъулияти ва иштироки бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканлиги, ислохотларнинг амалий ифодаси, аввало, маҳаллада намоён бўлиши лозимлиги таъкидланди. Мурожаатномада ҳам айтиш мавзуга доир аниқ тақлифлар ўртага ташланган экан, маҳалла раислари ўз ҳудудидаги мавжуд муаммоларни энг

муҳим масала сифатида маҳаллий ҳокимликлар олдида қўя олиши кераклиги, бунинг учун барча даражадаги раҳбарлар пастига тушиб, ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши, уларнинг кўрсатаётган натижаларини одамлар ўз ҳаётларида сезиши лозимлиги таъкидланган эди.

Энг муҳими, юртимизда олиб борилаётган ислохотлар натижалари, содир бўлаётган ўзгаришлар ва бунга аҳолининг муносабати, уларнинг кайфияти, аввало, маҳаллада акс этиши, маҳаллада сезилиши, маҳалла – ёруғ юзимиз ва виждонимиз кўзгусига айлиши лозимлиги тўғрисидаги фикрлар билдирилган.

Янгибоб маҳалласида ўтказилган мазкур учрашувда айтилган фикрлар ҳам айтиш ҳақиқатнинг мантқиқий давоми сифатида тизимда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар ривож йўлида соҳа фидойиларига янги қанот, янги куч бағишлади. Айнисқа, юртбошимизнинг “Маҳалла раиси – Президентнинг қуйи бўғиндаги устуниси” дея маҳалла ҳодимлари меҳнатига юксак баҳо бергани, уйлабманки, ҳар бир маҳалла раисига, тизимда меҳнат қилаётган ўн

минглаб ҳодимларга ўзгача руҳ, катта ифтихор берди, шу билан бирга бизнинг зиммамизга улкан масъулият юклатди. Албатта, олиб борилаётган ислохотларимиз натижаси, энг аввало, маҳалла ва оилаларда кўринса, одамлар бу ўзгаришларни ўз ҳаётларида ҳис этса, у чинакам ҳаётий ислохот мақомига эришади.

Давлатимиз раҳбари учрашув давомида мазкур жиҳатлар ҳусусида ўз фикрларини билдирар экан, одамларнинг турмуш фаровонлигига эришиш, бу орқали жамиятда ўзгариш ясашнинг дастлабки қадами маҳаллалар иқтисодийётини кўтариш эканлигига алоҳида тўхталиб ўтди. Бунинг учун аҳоли, хусусан, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, “Ҳар бир оила – тадбиркор” ҳамда бошқа шу каби ижтимоий дастурлар асосида уларга зарур шароитлар яратиб бериш бўйича тегишли мутасадди ташкилотлар вакилларига кўрсатмалар берилди.

Мазкур масалаларни текоз ва манзилли ташкил этиш учун барча даражадаги раҳбарлар, айнисқа, иқтисодий тизим вакиллари пастига тушиб, ўз соҳаси бўйича ишни маҳаллаларда ташкил этиши, муаммоларни ўрганиб,

уларга ечим топиши зарурлигини таъкидлади. Маҳаллаларнинг ички йўллари таъмирлаш, кўп қаватли уйларга сифатли хизмат кўрсатувчи бошқарув компаниялари, маиший хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш масалаларини келтириб ўтди.

Этиборлиси, ушбу иш услубини тизимли олиб бориш мақсадида ҳар бир маҳаллада “Иш юритиш дафтари”ни ташкил этиш, шу асосда амалга оширилган ишларни таҳлил этиб бориш юзасидан ўз тақлифларини илгари сурди. Шунингдек, белгиланган вазифаларни сифатли ва аниқ тизим асосида олиб бориш учун маҳаллалар иш фаолиятини янада такомиллаштириш, моддий-техник имкониятларини яхшилаш, маҳалла раислари ваколатини кенгайтириш, тизим ҳодимларини рағбатлантириш лозимлиги таъкидланди.

Сўнги йилларда соҳа ривож йўлида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида фуқаролар йиғинларининг моддий-техник ҳолати яхшиланиб бораёпти. Бу борада биргина ўтган 2020 йилни оладиган бўлсак, 253 та маҳалла биноси янгидан қурилди, 166 тасининг биноси реконструкция қилинди, 998 таси жорий таъмирланди. Ўзи меҳнат қилаётган бинога эга бўлмаган 986 та маҳалланинг бинолари фуқаролар йиғинлари балансида ўтказиб берилди. Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида 590 та фуқаролар йиғинларига янги бинолар қуриш учун ер майдонлари ажратилган бўлиши, “Ҳар бир оила – тадбиркор” ҳамда бошқа шу каби ижтимоий дастурлар асосида уларга зарур шароитлар яратиб бериш бўйича тегишли мутасадди ташкилотлар вакилларига кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг тизим фаолиятини янада яхшилаш, соҳа ҳодимларини самарали меҳнат қилиши учун ўртага ташлаган тақлиф ва кўрсатмалари, чин маънода, маҳаллалар фаолиятини янги саҳифа очиб, шубҳасиз.

“МАҲАЛЛАБАЙ” ишлаш тизими бўйича Фарғона тажрибаси яратилади

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Президентимиз барча даражадаги раҳбарларга фаолияти давомида энг қуйи тизим – маҳалладаги аниқ ҳолатни ўрганишни муҳим вазифа сифатида белгилаб бераётгани бежиз эмас.

Бу юртимиздаги ҳар бир ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, маҳалланинг “ўсиш нуқта”ларини аниқлаш имконини беради. Шу асосда ҳар бир маҳалланинг ўзига хос ҳаёт тарзидан келиб чиқиб, ҳудудларни ривожлантириш дастурлари ва камбағалликни қисқартириш режалари ишлаб чиқилади.

Айни кунларда вазирлик ва тармоқлар, банклар вакилларидан иборат Республика ишчи гуруҳи томонидан Фарғона вилоятидаги мавжуд 1 миң 41 маҳалланинг муаммолари атрофича ўрганилган. Уларда яшовчи аҳолининг имкониятлари, одамларнинг даромадини ошириш, қайси йўналишлар бўйича иш олиб бориш кераклигига алоҳида этибор қаратиляпти. “Маҳаллабай” ишлаш тизимида вилоятда янги тажриба яратилмоқда.

Риштон туманида ҳам ўрганишлар давом этаётган бўлиб, камбағалликни қисқартириш, аҳолини даромад топишига кўмаклашиш чоралари кўрилмоқда. Ишчи гуруҳи вакиллари “Воҳим” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи

Нилуфар Усмонова хонадонидан бўлиши. Айни дамда ўз уйда тикувчилик билан шуғулланаётган Нилуфар келажакда тикувчилик цехини очишни мақсад қилган. Ишчи гуруҳи вакиллари унга кредит олишда ва тадбиркорлик сирларини ўрганиш учун махсус курсларда таҳсил олишга ёрдам беришларини билдирди. Бу тақлиф ёш тадбиркорга маъқул бўлди.

Қалайнов маҳалласида яшовчи Сайёджон Мамаражабов “Ёшлар дафтари” рўйхатида киритилган. Дадаси иккинчи гуруҳ ногирони. У Риштон кулолчилик хонадонини ўрганган. Касаначилик асосида сопол буюмлар тайёрлайди. Аммо маблағ йўқлиги боис, ўз бизнесини йўлга қўя олмаётгани маълум бўлди. Савдо-санот палатаси томонидан бу ёш тадбиркорга имтиёзли кредит берилдиган бўлди.

“Маҳаллабай” тизимидаги тадбирлар “Зоҳидон” маҳалла фуқаролар йиғинида давом этди. Маҳалла аҳоли асосан томорқчилик билан шуғулланади. “Темир дафтар”га киритилган Уллубек Шарипов ўтган йили баҳорда банкдан имтиёзли кредит олиб, томорқасида иссиқхона ташкил этганди. Ҳозирга келиб у иссиқхонадан анчагина даромад олишга эришди. Албатта бу имкониятдан оила аъзолари ҳам унумли фойдаланишмоқда.

Айни кунларда туманда ишчи гуруҳи томонидан ҳудуддаги 69 та маҳаллаларда ёшларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка йўналтириш, турли муаммоларни ҳал қилиш режалаштирилган.

Олов – тилсиз ёв!

Пойтахт вилоятининг Янгийўл туманида кейинги тўрт йил ичида қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларга қулай шароитлар яратиб беришга йўналтирилган устувор вазифалар ижросини амалда татбиқ этиш юзасидан ўттизга яқин замонавий кўп қаватли турар жойлар, корхона ва ташкилотлар учун эса элликдан ортиқ ишлаб чиқариш цехлари қурилди. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномаси қурувчиларга янада куч-қувват бағишлаяпти.

Ҳамкорликда гап кўп

Даврон НОРМАТОВ,
Янгийўл тумани ФВБ бошлиғи вазирасини бажарувчи.

Янгитдан қад ростлаётган объектларда бажариладиган барча ишларда, албатта, электр ҳамда газ маъсулоти билан фойдаланилади. Демак, мана шу жараёнда бевосита иштирок этаётганлар, энг аввало, техника ва ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий амал қилишлари лозим бўлади. Чунки бир киши ўзи бажараётган ишга озгина лоқайдлик қилса, унинг оқибати кўпларга жиддий зиён етказиши мумкин. Шу сабабли бундай кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқмаслиги учун туман Фавқулодда вазиятлар бўлими барча қурилиш ташкилотлари билан мустоҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган. Ҳодимларимиз ҳудуддаги қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган объектларни лойиҳа-смета ҳужжатларига киритилган ҳамда меъёрий ҳужжатларда белгиланган ёнғинга қарши тадбирларнинг бажарилиши юзасидан мунтазам равишда профилактик ўрганишлар олиб бормоқда.



Объектларни ўрганишда қурилиш майдонига энг яқин ёнғин хавфсизлиги қисмигача бўлган оралиқ масофани қўшимча ёнғин ўчириш техникаси билан таъминлаш, ёнғинга қарши сув сиймалари ва уларнинг доимий захирасини яратиш учун зарур манбалар яратилгани, ташқи ёнғин ўчириш ер ости гидрантлари, ички ёнғин ўчириш кранлари ва

улардаги сув босимини кўтаришда насослар, бинолардаги ёнғиндан хабар бериш мосламалари ҳамда ёнғин ҳақида инсонларга хабар бериш тизимларининг ишлаши қай даражада ташкиллаштирилганига этибор қаратиляпти.

Қайд қилинган тартиб-қоидалар қурилиш ишлари олиб борилаётган масканларда кўнгилдагидек ташкиллаштирилгани учун ҳам сўнги икки йилда бирорта ҳам ёнғин билан боғлиқ нохуш ҳолат қайд этилмади. Шу кунларда об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб тургани ва намгарчиликлар ҳодимларимизни қурилишларда банд бўлганлар билан янада кўпроқ ишлаши тақозо этиляпти. Чунки қурувчиларимизнинг аксарияти қишнинг қирчиллама совуғи, ёзнинг жазирама иссиғида ҳам очик жойларда меҳнат қилишади. Бундай шароитда ҳар хил воқеалар бўлмаслиги учун улар билан мунтазам равишда ёнғинга қарши тадбирлар уюштириляпти.

Жумладан, бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш ва капитал таъмирлаш жараёнида қўлбола, но-стандарт электр иситиш асбобларидан фойдаланмаслик, тармоққа уланган электр асбобларини назоратсиз қолдирмаслик, носоз ёки изоляцияси бузилган сим ва кабелларни ишлатмаслик ва уларни металл конструкцияларга тегиб кетишига йўл қўймаслик, шунингдек, ёпиқ хона ичида бир пайта газ ва электр пайвандчиларининг ишламаслиги кабилар юзасидан тағрибот тадбирлари уюштирилаётгани ўз самарасини бермоқда. Айни пайтада ҳар бир қурувчи бу борадаги йўриқномаларни пухта билади ва уларга қатъий амал қилаётгани тўғрисида маълумотларни тўғридан тўғри аниқлаш ҳамда олий билим даргоҳлари ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланяпти.

Олий ўқув юртралида

“Янги аср истеъдодлари – 2020” ғолиблари тақдирланди

Райхона ХЎЖАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан аънанавий равишда ўтказилган “Янги аср истеъдодлари – 2020” республика кўрик-танлови пандемия тўғрисида бу гап “online” тарзда ташкил этилганди. 2020 йилнинг май ойида барча номинациялар бўйича танлов ғолиблари аниқланиб, тақдирлаш маросими кейинга қолдирилган эди.

Шу муносабат билан Мирзо Улугбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда институтининг 15 нафар иқтидорли талабаси вазириликнинг I, II ва III даражали дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Институт ректори Султон Аҳмедов совриндорларни табриқлаб, битта институтдан 15 нафар талабанинг ғолиб бўлиши жуда катта ютуқ эканлигини фохр билан таъкидлади. – Ушбу танлов иқтидорли талабаларнинг билимини намоён қилиши учун катта имконият, – дейди Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот



фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи Фароғат Қосимова. – Танлов талаба ёшларининг билим ва иқтидорини, инновацион лойиҳаларини кенгайтириш мақсадида ташкил этиб келинмоқда. Тановга этилган ишларда лойиҳанинг долзарблиги, инновацион ғояси, ечим ва тугаллангани инобатга олинди. – Танловнинг “Энг яхши инновацион бизнес лойиҳа” номинациясида I даражали диплом билан тақдирланди, – дейди 4-босқич талабаси Жасур Толибоев. – “Гидропоника усулида мева-сабзавотларни ўстириш” мавзусидаги лойиҳа кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бу усулдаги иссиқхоналарнинг афзал томони жуда кўп.



Масалан, бундай иссиқхоналар ер танламайди. Негаки, бундай мажмуаларда кўчат табиий тупроққа жойлаштирилмайди, аксинча, махсус тоқчалардаги озуқага экилади. Бу эса, бундан майдонлардан ҳам фойдаланишда илмий муваффақият.

Энг муҳими, махсулот таннархи пасаяди ва сифати ҳам анча юқори бўлади, ҳосилдорлик бир неча баробар ошади. Танлов онлайн тарзда ўтказилгани сабабли лойиҳанин видеолаш қилиб намоён этилган. Бу танловда қатнашиб, агро соҳасига қизиқишини янада ошди.

Қўллаб янги технологияларни қўллаш орқали бундан ҳам мукамалроқ лойиҳалар яратиш мумкинлигини тушундим.

Замонавий Ўзбекистон мактабдан бошланади

Умида МУРОДХОНОВА.

Ёшларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлишлари йўлида таълимнинг барча босқичларини тубдан ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айнисқа, ўғил-қизларимизнинг пухта билим олишлари ва етуқ мутахассислар бўлишини таъминлаш мақсадида умумтаълим мактаблари ҳамда олий билим даргоҳлари ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланяпти.

Аслида, мактаб ёшларнинг маънавий тафаккурини шакллантирувчи асосий маскан ҳисобланади. Янги Ўзбекистон эса мактаб остонасидан бошланади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек,

“...энди мактаб иши фақат Халқ таълими вазирлиги ёки ўқитувчиларнинг эмас, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг дарду ташвишига, қувончу қайғусига – умуммиллат юмушига айланмоғи зарур”.

Ушбу мақсад йўлида, ҳозирги кунда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Бино ва иншоотлар қурилиши факультети, Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги кафедрасининг профессор-ўқитувчилари Қиёра туманидаги 10-ўрта мактаб билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилган.

– Бугунги кунда давлатимиз раҳбари таълим тизимига, педагог-мураббийларга катта эътибор бермоқда, – дейди Тошкент архитектура-қурилиш институтининг катта ўқитувчиси, маънавий-маърифий ёшлар билан ишлаш йўналиши бўйича маъсум Шухрат Асқархўжаев. – Устоз-мураббийларнинг жамиятдаги обрўсини ошириш,

истеъдодли, билимга чанқоқ ўқувчи-ёшларни кашф этиш, уларни ўзлари қизиққан касбга йўналтириш таълим соҳасининг асосий вазифаларидан биридир.

Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан мактаб ва олий таълим муассасалари ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилган. Ана шу дастуриламал асосида мазкур мактабда таълим сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги кафедраси ўқитувчилари “Ахборот соати” танишув тадбири ҳамда ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишини юксалтириш мақсадида математика фани бўйича тургарак ташкил этилган ёшларга

манзур бўлди. Шунингдек, ўқувчилар ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

– “Ахборот соати”да кафедрамизнинг профессор-ўқитувчилари ўз маърузалари билан иштирок этиб, ўқувчиларга институт тарихи ҳақидаги маълумотларни етказишди, – дея қўшимча қилди Ш. Асқархўжаев. – Сўзга чиққанлар эзгу мақсадларга етишиш йўлида тинмай изланиш, ўқиб ўрганиш ва яратилаётган шароитлардан ёшлар самарали фойдаланиши зарурлигини таъкидлашди.

Институт профессор-ўқитувчиларининг мазкур мактабга ташрифи жараёнида илм даргоҳидаги айрим камчиликларни бартараф этиш, ўқувчилар билимининг янада ошириш ҳамда таълимнинг кейинги босқичларига муваффақиятли тайёрлаш борасида ҳам фикр ва тажрибалаб алмашилди.



Косонсойда лаванда ўстирилади

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori"
мухбири.

Наманган вилоятининг Косонсой тумани ўзининг сўлиги гушалари, чиройли табиати, ажойиб хушхавоси билан машҳур. Бир неча йил илгари бу ерда "Косонсой-Фарм" эркин иқтисодий зонаси ташкил этилган бежиз эмас. Утган қисқа муддат ичида қатор доридармон ишлаб чиқарувчи корхоналар куриб битказилди ва фаолият кўрсата бошлади.

Айни вақтда тармоқнинг мустақам хом ашё базасини яратиш устида ҳам иш олиб борилмоқда. Хусусан, турли хил доривор ўсимликлар етиштириладиган экин майдонлари кенгайтирилмоқда.

Яқинда шундай шифобахш маҳсулот берадиган яна бир бута – лаванда ўстиришга киришилади. Исроилнинг DRTS компанияси минтақавий вакили Сулаймон Хартави ўғлининг Наманганга ташрифи чоғида ана шундай келишувга эришилди.

Авалло шунга айтиш керакки, Drip Research Technology Solutions замонавий агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан шугулланадиган дунёнинг етакчи компанияларидан бири саналади. Ташкил этилганга ўттиз беш йилдан ошган. Кўплаб мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Туркия ва Ҳиндистонда ўз филиалларига эга. Ҳозир исроиллик мутахассислар Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида 40 гектар майдонда лаванда етиштиришни йўлга қўйишмоқда.

Хўш, бу ўсимликнинг қандай ўзига хос хусусиятлари бор? Уни парваришlash технологиясини

ўзлаштириш мураккаб эмасми? Бу саволларга Наманган давлат университети профессори, биолог олим Шаробиддин Тожибоев шундай жавоб берди:

– Лаванданинг ватани Урта ер денгизи соҳилларида жойлашган мамлакатлар бўлиб, бута ва чала буталар туркумига киради. Унинг мевалари эфир мойига бойлиги билан ажралиб туради. Франция, Италия, Испания, Россия, Венгрияда кўп экилади. Тиббиётда, парфюмерияда, озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилади. Мутахассислар фикрича, бизнинг иқлим унга жуда маъқул тушади.

Чунки лаванда иссиқ ҳаво ва ёруғликни ёқтиради. Анча-мунча совуқни ҳам писанд қилмайди. Қурғоқчиликка яхши бардош беради. Қаламча қилиб кўпайтирилган кўчатлари икки йилдан сўнг ҳосил бера бошлайди. Фақат ҳар олти-ети йилда буталарни ёшартириб, яъни шохлари кесиб турилади.

– Биз Исроил компанияси вакиллари билан учрашдик ва музокаралар олиб бордик, – дейди "Косонсой-Фарм" эркин иқтисодий зонаси директори Юнусхон Муборакков. – Меҳмонлар ажратилган ер майдонларини кўздан кечириб, тегишли тавсиялар ҳам берилди. Тез орада амалий ишларни бошлаб юборамиз.

Маълумотларга қараганда, лавандадан олинадиган эфир мойининг жаҳон бозоридида нархи бир килограмм учун камида 8 минг АҚШ долларини ташкил этаркан. Ҳар бир гектардаги ўсимлик эса ўртача етмиш килограммдан ёғ беради. Даромад қандай бўлишини ҳар бир киши ўзи ҳисоблаши мумкин.

Демак, янги доривор ниҳол – лаванда "Косонсой-Фарм"нинг иқтисодий имкониятларини янада оширади. Шунинг учун лавандадан мой оладиған ускуналарни қидириб топиш учун ҳаракат бошланди.

Иккита марказ фойдаланишга топширилди

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Фарғона вилояти шаҳар ва туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган "Йўл харитаси" ва дастурлар асосида белгиланган вазибалар ижроси таъминланмоқда.

Хусусан, Қўштепа туманида ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Туман марказида 1,3 миллиард сўм маблағ эвазига замонавий ва барча

қулайликларга эга бўлган Аҳоли бандлиги кўмаклашиш маркази биносининг куриб, фойдаланишга топширилгани бунга мисолдир. Шунингдек, аҳолининг китоб ўқишга бўлган талабини қондириш мақсадида мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган Ахборот маркази ҳам куриб битказилди.

Бундан ташқари "Дўрмон" МФЙ худудидида умумий қиймати 260 миллион сўмни ташкил қиладиган 4 сотихли, 230 та 1 қаватли, ҳар бири 3 хонадан иборат уй-жойлар куриш жадал сурьатларда олиб борилмоқда. Келгусида маҳалла худудидида яна 180 та шундай уй-жойлар куриш режалаштирилган.



Февраль ойининг илк кунларида ўз таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фарроши Мухтабар Юсупова,

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори Ўктамжон Шамсудинов,

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК кадрлар бўйича инспектор Дилором Шамадиева, иқтисодчи Адҳам Астанов,

Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси лаборанти Ҳанифа Сабитова,

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси лаборатория мутахассиси Самад Гиёсов, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Қашқадарё вилояти филиали фарроши Дилноза Муротова,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими етакчи мутахассиси Нажиматдин Омаров,


Навоий вилояти Қурилиш бош бошқармаси ҳайдовчиси Маҳмуд Қурбонов, Нурота тумани қурилиш бўлими мутахассис-архитектору Барот Асомов,

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Сирдарё вилояти филиали бош ҳисобчиси Умиджон Хужмажонов,

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Тошкент вилояти филиалининг компьютер техниги Бахтиёр Абидов, Урта Чирчиқ тумани қурилиш бўлими бошлиғи – туман бош архитектору Ойбек Ҳатамов,

Хоразм вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи инспектори Умидбек Нурметов, Қурилишда танлов савдолларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг маркази бўлим бошлиғи Нигора Болтаева,

Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори Анвар Қадиров, Қурилиш-синов лабораторияси ва бино иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими мутахассиси Муродхўжа Саидахмадовларни чин дилдан муборакбод этамиз.



Ҳаёт сабоқлари

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori"
мухбири.

Ривоят қилишларича, ҳукмдор қўшни давлатларни босиб олиш учун ўша жойлардаги ҳолатни билиш мақсадида жосусларини жўнатаркан. Улар ўрганиб қайтгач, биринчиси борган юртида одамлари бепарво, доимо айш-ишратдан бош кўтармасликларини айтгач, ҳукмдор, бу давлатни бир ҳамлада босиб олиш мумкинлигини англабди. Иккинчиси эса, ўзи борган мамлакатнинг халқи ўта хушёр, айниқса, аёлларини жуда қадрлашини кўрганини айтибди. Ҳаммаша хушёр ва аёлларини эъзозлаган юртни ҳеч қачон мавҳ этиб бўлмаслигини билган подшоҳ шу давлатга ҳужум уюштириш учун тузган режасидан воз кечган экан.

Ҳаётда тез-тез такрорланиб турувчи кўп ривоятлар бор, улар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Зотан, уларнинг замирида қайсидир маънода ҳаётимизда учраб турадиган ўхшашликлар бор. Гап шундаки, сизу биз яшаётган дорилмон кунларда фаровон ҳаёт кечиришимиз учун зарур шароитлар яратиб берилаётган бўлса-да, бу неъматга ношукрлик қилиб, айш-ишратга берилган, аёлини таҳқирлаб, оиласини парокандалик оstonасига етаклаётган айрим кимсалар учраб тургани учун ҳам юқоридаги ривоятни келтирдик. Хулосани эса воқеа тафсилотидан сўнг чиқараверасиз.

Эзги жазирама кунларнинг бири эди. Тушлик тугашига вақт борлиги учун идорамиз яқинидаги фаввора олдидаги ўриндиқлардан биридан жой олдим. Ён-атрофни супураётган аёлини айтмас, бошқа ҳеч ким кўринмасди, ўриндиқлар бўм-бўш. Анчадан буён каровисиз ҳолатга келган жой ўрнида бунёд этилган замонавий фавворига тикилиб, хаёлга берилган эканман, шу орада хушрўйгина бир жувон ёнимга келиб ўтирганини ҳам сезмай қолибман. Бу ноқулайликдан чиқиш мақсадида энди ўрнимдан туриб кетмоқчи бўлгандим.

– Ака, шовманг, Тошкентда яшайсизми ёки менга ўхшаб... – деди-ю кўзлари жикқа ёшланди. Кўринишдан турмуш қурганига ҳали ҳеч вақт бўлмаган нотаниш жувоннинг кутилмаган бу ҳолатидан бироз эсанкираб, унга қандай далда беришни билмай қолдим.

Унинг сўлғин ва нафрат тўла кўзларида ҳеч кимга айтолмайдиган аллақандай сирлар борлиги сезилиб турарди.

Гап нимада эканини билиш мақсадида:

– Тинчликми синглим, бирор ёрдам керак бўлса айтаверинг, пойтахтни яхши биламан, – дея унга юзландим.


У эса саволимга жавоб қайтариш ўрнига, ўқисиб йиғлай бошлади. Нотаниш жувоннинг исмини сўраш ноқулай бўлгани сабабли унга нима деб таскин беришни уйлаб турардим. Шу пайт ўзи гап бошлаб қолди:

ни ичиб тугатгач, бир кун «Бор, отангдан пул олиб кел» деб уйдан чиқариб юборди. Бир ярим ойлик келинчак бўлсам-да, нима қиларини билмай йўга бордим ва турли баҳоналарни рўқач қилиб, отамдан пул олиб қайтдим. Қуруқ келмаганимни кўрган турмушдошим қўлимдан пулни юлиб олди-ю, уйимиз яқинидаги ароқ дўконига югурди. Қисқаси, ота-онам, яқин дўгоналарим, ҳатто коллежда ўқитган устозларимдан сўраб олган қарзларим кўпайиб кетди, ўзим ҳали ишга жойлашмаганим учун уларни қандай қилиб қайтаришни

У дилидагини сўзлар, кўзларидан сизиб чиқаётган шашқор ёшга ҳам эътибор бермасди. Бу орада шу атрофда хизмат вазифасини бажариб юрган Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ ходимлари келиб қолишмаганда, жувоннинг аянчли турмуши билан боғлиқ суҳбат яна қанча давом этарди, билмадим. Ходимларга у билан боғлиқ воқеани қисқача гапириб бердим. Улар шу жойнинг ўзида зарур ҳужжатларни тўлдириб, пойтахт вилояти ИИБдагилар билан боғланишди, сўнг уни ўша жойга олиб кетишди...

Оила бошлиқларининг раъйини қайтара олмай, турмуши саробга айланган ўша жувон билан бўлган суҳбатимизга ҳам бир йилдан ошди. Тўғриси, у билан боғлиқ воқеани аллақачон унутган эдим. Бироқ ҳаёт тасодифларга тўла, дейишса, унчалик ишонмасдим. Аммо бу дунёда ҳамма нарса бўлиши ва ҳар нарсани кутиш мумкин экан. Ёз кунларидан бири эди, оиламиз билан Ўстонлик туманидаги сўлим гушалардан бирида дам олишга боргандик. Тоғлар бағридаги дарахтлар тағида ўрнатилган сўрилар дам олувчилар билан тўла эди. Улардан бирида жойлашган тўрт нафар йигит ва жувонларнинг қизғин суҳбатлари ўтиб-қайтаётганларнинг ҳавасини келтирарди. Шу сўридагилар орасида боласини ўйнатиб ўтирган жувоннинг чеҳраси жуда таниш кўринди. Шунинг учун уч-тўрт бор уларнинг ёнимдан ўтиб-қайтдим. Хаёлимга келган фикр хушёр тортирди. Бу ўша, гурурини ароққа алмашган ношуд йигитнинг турмушдоши эди. Бироздан сўнг у хархаша қилаётган боласини кўтариб шаршара томонга кетди.

Зилол сувда боласининг юз-кўллари юваётган ўша жувон томонга боргандим, бир қарашда у мени таниди. Шу жойда бироз суҳбатлашдик. Айтишчи, оилани сақлаб қолиш учун қилган барча саъй-ҳаракатлари беҳуда кетгач, эри билан ажрашиб, ўзи яшайдиган қишлоқдаги ибратли хонадонлардан бирига келин бўлибди. Турмушдоши одобли, дурадгорлик касби билан элнинг эътиборига тушганлардан бири эди. Собиқ эри эса ўғрилиқ қилиб, жиноят устида қўлга тушибди ва қилмишига яраша жазога тортилибди. Суҳбатимиз жараёнидаги унинг бир гапи ҳеч эсдан чикмасе керак. «Вақт ўтиб ҳамма нарсани унуттиш мумкин, аммо ўз нафсини қондириш учун хотинини ароққа алмаштирмақчи бўлган иродасиз эрни ҳеч қачон кечириб бўлмайди». Жувон тўғри фикрни айтди, нафсининг қулуга айланган бундай кимсалар кези келса, ота-онаси ва ҳатто Ватанини ҳам сотишдан тоймайди. Таасуфки, бундайлар йўқ эмас...



– Афти ангоримни кўриб, саёқ юрган аёллардан бири бўлса керак, деб ўйлаётгансиз. Аммо бундай хаёлга борманг ака, мен ундайлардан эмасман. Шукрки, ота-онам, ака-укаларим бор. Бири ўқитувчи, бошқаси қурувчи ва шифокор. Лекин қалбимни тирнаётган шундай бир дард борки, буни уларга айт-толмайман. Касб-ҳунар коллежини тугатгач, ота-онам қўшни қишлоқда яшайдиган, ўзим кўрмаган ва умуман танимаган бир йигитга турмушга беришди. Тўйимиздан бир ой ўтгандан сўнг аста-секин янги хонадондаги мухитни тушуна бошладим. Қайнота ва қайнонам кексайиб қолишган, икки нафар қизлари эса турмушга чиқиб кетишган экан. Умр йўлдошим кенжа фарзанд бўлиб, анча эрка ўсган, мактабни битиргач, бирор хунарни эгалламагани учун бировларнинг у-бу ишларини қилиб, толган пулни ичкиликка сарфларкан.

Бир ойгина яхши яшадик. Шундан сўнг у уйдан кўчага чиқмай қўйди, чиққанда ҳам фақат ароқ сотадиган дўконга бориб келарди. «Қишлоғимизда тадбиркорлар кўп экан, бирортасининг корхонасига ишга жойлашсангиз бўлмайди-ми?», десам, дарҳол жаҳли чиқиб, мени ҳақоратларди. Ота-онаси ва опаларидан қарзга олган пуллар-

ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Тахрир хайъати:
Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Козим Тулганов, Эркин Искандаров,
Ботир Зарифов, Юлдаш Мағрулов,
Жамшид Исмаилов, Фолижон Маджидов,
Қўдратбек Хошимбеков.

Тахририят:
Бош муҳаррир
Бош муҳаррир
Уринбосари
Саҳифаловчи
Мусаввиф

Дилшод Жалолов
Абдусами Ҳақбердиев
Акmal Махкамов
Райхон Таниқуллова

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Наманган вилояти: 99-731-17-40.
Самарқанд вилояти: 90-553-02-34.
Сурхондарё вилояти: 91-981-30-45.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти бўйича: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-243.
2623 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Бахоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.
Навбатчи – Б. Гулямов.
УзА якуни – 2315. Топширилди – 0010.
E-mail: uzbyunyodkori@umailuz

123456